

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 6 ноябрь, № 217 (4880) Жума


# БОШ МАҚСАД – ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

**Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ана шу эзгу ниятга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

***Юртимизда эл саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида самарали натижаларга эришилмоқда. Барча соҳалар қатори, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, жаҳон андозаларига мос тиббий хизмат тизими жорий этилди.***

Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йилдаги Фармонига биноан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим асос бўлди. Қувонарлиси, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш орқали аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг илғор шакл ва услублари амалиётга жорий

**Ислоҳот ва самара**

этилди. Жойларда фаолият юритаётган бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари базаси мустаҳкамланди, улар энг замонавий ташхис аппаратлари ҳамда даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Бугунги кунда янгича ва замонавий тиббиёт технологияларини фаолият жараёнига татбиқ этиш ўзлаштирилмоқда, соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифати ошмоқда. Энг муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар, моҳиятан, инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

(Давоми 3-бетда).



# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Мажлисда «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари вакиллари, шунингдек, мамлакат кимё саноатининг йирик корхоналари раҳбарлари иштирок этдилар.

Депутатлар «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси F. Иброҳимовнинг «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг инновацион фаолияти тўғрисида»ги ахборотини эшитдилар. Ушбу ахборот Ўзбекистон Республикаси кимё саноатида ислоҳотларнинг боришини назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг ташаббусига кўра, жорий йилнинг 8 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан йўлланган парламент сўровига жавоб сифатида тайёрланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасида мунтазам равишда ўтказилаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларнинг ахборотларини эшитиш доирасида режалаштирилган эди.

Нотиқ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида ишлаб чиқариш соҳасининг, шу жумладан, кимё саноатининг самарали ишлашини таъминлаш жуда муҳим эканлигини кўрсатиб ўтди. Шу боис «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш ва сифатли маҳсулот чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Депутатларга «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясидаги ишлар аҳволи тўғрисида батафсил маълумот берилди. Хусусан, кимё саноатига ҳозирги замон технологияларини жорий қилиш мақсадида компания ҳузурида Инновацион марказ ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан жипс ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Илмий муассасалар билан тузилган 20 дан ортиқ қўшма баённомалар асосида 460 миллион сўмдан ортиқ суммада хўжалик шартномалари расмийлаштирилган. Инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш «Ўзкимёсаноат» компаниясига импорт ўрнини босувчи маҳсулот чиқаришда, шунингдек, ташқи бозорга экспорт қилишга мўлжалланган, рақобатбардош маҳсулот чиқаришда жиддий ютуқларга эришиш имконини берди. Айни бир вақтда маърузачи мавжуд камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммоларга ҳам тўхталди.

Маърузачига депутатлар томонидан бутун тармоқдаги ва республика кимё саноатининг муайян корхоналаридаги ишлар аҳволига доир саволлар берилди. Бунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ҳисобга олган ҳолда, тармоқни истиқболда ривожлантириш ҳамда иш билан бандликни, экологик хавфсизлик ва фанда эришилган энг янги ютуқлардан фойдаланишни таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий дастурларни бажариш зарурлиги масаласи депутатларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

***Нукус шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари муҳокама этилди.***

# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, минтақада жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Бу Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самарасидир. Жумладан, бу даврда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 4 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 7,2, қурилиш-пудрат ишлари 26,8 фоизга, пуллик хизматлар кўлами 13,5, чакана товар айланмаси 15,2 фоизга ошди.

(Давоми 2-бетда).

# КИЧИК БИЗНЕСГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

***Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари қошидаги Бизнесга кўмаклашувчи марказлар ходимлари учун уч кунлик тренинг иш бошлади. Мазкур тадбир БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон бизнес форуми" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.***

Таъкидландики, мамлакатимизда Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада кейинги йилларда мулкдорлар сафи тобора кенгайиб, улар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кўламини ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ички бозор тадбиркорлик субъектларининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан тўлиб бормоқда. Уларнинг сифати юқори, нархи эса бирмунча арзон эканлиги, айниқса, қувонарлидир.

Хусусий тадбиркорлар, жумладан, чекка ҳудудлардаги ишбилармонларнинг самарали фаолият юритишларида, айтиш мумкинки, Савдо-саноат па-

**Анжуман**

латаси мутахассислари, жумладан, Бизнесга кўмаклашувчи марказлар ходимларининг хизмати катта бўлаяпти. Нега деганда, улар кичик бизнес вакилларини иш юритишнинг замонавий усуллари билан мунтазам таништириб, бу борадаги кўникмаларини ошириб бормоқдалар.

Тренингда соҳа мутахассислари ва экспертларнинг маркетинг ва бизнесни режалаштириш, юридик ёрдам кўрсатиш, суғурталаш бўйича маърузалари тингланди. Шунингдек, иштирокчиларга Савдо-саноат палатаси ҳамда "NetDec" компанияси ҳамкорлигида яратилган "USTO" — бухгалтерия ҳисоботини юритиш бўйича дастур таъминоти ҳам тақдим қилинди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, ушбу йўналишлар танлаб олингани бежиз эмас. Чунки бугунги кунда кичик бизнес шаклланиш босқичидан ўтиб, тизимда ривожланиш жараёни кетмоқда. Айни пайтда бу каби хизмат ва маслаҳатларга эҳтиёж ортиши табиий, албатта. Шу маънода, мазкур тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янада жадал ривожланишига амалий ёрдам бериши аниқ.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

***Тошкентда 5 ноябрь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг V қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан сайланган 220 нафар делегат иштирок этди.***

Қурултойни "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси И. Саифназаров очди ва партия Сиёсий кенгашининг ҳисобот давридаги ишлари ҳамда келгуси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Қурултой иштирокчилари партия, унинг бошқарув органларининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти якунлари, эришилган натижалар, шунингдек, мавжуд камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятларни ҳар томонлама танқидий таҳлил қилди, партиянинг марказ ва жойлардаги ташкилотларининг мафкуравий, ташкилий-кадрлар билан боғлиқ ишлари самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини, парламентдаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини яхшилашга доир чора-тадбирларни белгилади.

Делегатлар партиянинг давлат ҳокимияти қонунчилик ва вакиллик органларига бўлажак сайловларда фаол иштирок этиши бўйича устувор вазифаларни белгилади. Қурултой мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этишда "Адолат" социал-демократик партиясининг ўрни ва роли белгиланган сайловолди платформасининг асосий қоидаларини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Қурултойда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Шунингдек, партия олий органи ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**



# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

# Корхона иш бошлади

***САМАРҚАНД туманида лойиҳа қиймати 255 минг АҚШ доллари бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона фаолият кўрсата бошлади.***

Бунинг учун тадбиркор У. Тўрақулов саъй-ҳаракати билан хориждан сармоя жалб этилди. Натижада замонавий технологиялар ёрдамида бу ерда ўтган қисқа давр ичида 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қувонарлиси, корхона жамоаси ўз маҳсулотларини экспортга ҳам чиқармоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қирққиз – энг обод овул

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган "Республикада энг яхши қишлоқ" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.***

Танлов якунига кўра, Элликқалъа туманидаги Қирққиз овули биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Айтиш лозимки, айни кунда мазкур қишлоқда 13 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда барча қулайликларга эга шифохона, замонавий типда қурилган мактаб ва болалар боғчаси, бозор, кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, иккита ғишт заводи ишлаб турибди. Яқинда ҳомийлар ёрдами билан овулда "Ёшлар хиёбони" барпо этилди. Замонавий қиёфада қад ростлаётган уй-жойлар қишлоқни янада кўркам ва обод масканга айлантирмоқда.

Танловда ана шу каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда Қирққиз қишлоғи танловнинг республика босқичида иштирок этади.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



# Хорижда ҳам харидоргир

***БУХОРО. Жондор туманидаги "Шижоаттекстилмаш" корхонасида тайёрланаётган сифатли ва бежирим сочиқлар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топмоқда.***

Шу боис корхона маҳсулотларига хориждан кўплаб буюртмалар тушаяпти. Натижада 20 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида 235 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилиб, белгиланган режадан бир неча баробар юқори кўрсаткичга эришди.

Айни пайтда ташқи бозорда ўз ўрнини топаётган ушбу корхонага ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 80 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Isuzu»лар юзтага етказилади

***СИРДАРЁ. "Гулистон карвон транс сервис" корхонаси аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 20 та "Isuzu" автобуси қатновини йўлга қўйди.***

Лизинг ҳисобига харид қилинган мазкур автобуслар вилоят марказини олис қишлоқлар билан боғлашга хизмат қилмоқда. Корхона мутасаддиларининг таъкидлашича, тез орада "Isuzu"лар сони 100 тага етказилади. Бу эса Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириши, шубҳасиз.

Эътиборлиси, ушбу хайрли ташаббус натижасида 40 та янги иш ўрни яратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан***

**3,3 фоизга кўпайди.**

Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан соҳада ислоҳотлар изчил олиб борилаётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган янги корхоналар ташкил этилаётгани, фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилаётгани туфайли ризқ-рўзимиз манбаининг кўпайиши таъминланаяпти.



# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Савол-жавоблардан сўнг бўлиб ўтган ушбу масаланинг атрофлича муҳокамаси чоғида депутатлар ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, кимё саноати корхоналарини жадал қуриш ва янги маҳсулот турларини чиқариш борасида белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Шу туфайли ҳам 2009 — 2014 йиллар учун режалаштирилган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳалари сўзсиз амалга оширилишининг зарур эканлиги устида алоҳида тўхтаб ўтилди. Аҳоли ўртасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида эҳтиёж катта бўлган импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Депутатлар ахборотни маълумот учун қабул қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарорини тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлинмалари билан биргаликда кимё саноатида, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа соҳаларида инновацион фаолият учун қулай шароитлар яратишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни кўриб чиқиш топширилди.

**(ЎзА).**

# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган тўққиз ойда иқтисодиётга тўғридан-тўғри олиб кирилган инвестициялар 11,4 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб икки баробарга ошди. Ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, енгил саноат, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 37 та корхона фойдаланишга топширилди. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш натижасида эса ҳудудий корхоналарнинг экспорти 7,1 миллион долларга етиб, ўсиш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу давридагига солиштирганда, 129,6 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, 4 та коллеж, битта академик лицей ва олтита мактаб қурилди. Иккита коллеж, 74 та мактаб реконструкция қилинди. Қишлоқ жойларда 14 та болалар спорти иншооти бунёд этилиб, 233,5 километр ичимлик суви ҳамда 45,5 километр табиий газ тармоқлари қурилиши ниҳояланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш борасида кўрилган чоралар натижасида ҳисобот даврида 37 минг 198 та янги иш ўрни яратилди. Қувонарлиси, уларнинг 80 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади.

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан бешта туманда намунавий лойиҳа асосида тураржой қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Йиғилишда ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги ишларни янада кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов сўзга чиқди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши Қашқадарё ҳамда Фарғона вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

***Ҳар гал Конституциямизнинг 3-моддасидаги: «Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.***

***Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир», деган сатрларни ўқиганимизда, мамлакатимизнинг мустақиллик йиллари ва йўллари кўз олдимизга келаверади. Дарҳақиқат, бу йиллар мобайнида Ўзбекистон ўзлигини таниди, жаҳон жамоатчилиги назарига тушди, эътироф этилди. Миллий манфаатларимизга мос ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалар, халқаро терроризм, диний экстремизм ҳамда наркосавдога қарши курашда фаол иштирок этаётганимиз, Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларидаги ташаббускорлик мамлакатимиз обрўсини оширмоқда.***

# ИШЧАНЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

## Қонун яратилишида муҳим аҳамиятга эгадир

Буларнинг ёрқин исботини бугунги кунда Ўзбекистоннинг туб ислоҳотлар йўлидан қатъий бораётганлигида, мамлакатда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилганида ҳамда кўп партиявийликка асосланган вакиллик демократиясининг изчил ривожида ёрқин кўриб турибмиз. Қолаверса, буни инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари тобора такомиллашиб бораётганлиги ҳамда мамлакатимиз чегаралари ва мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз вужудга келганлигида ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Муҳим ва эътиборли жиҳатлардан — мамлакатимиз тарихида илк бор Олий Мажлиснинг республикамиз барча минтақалари манфаатини ифода этувчи юқори палатаси — Сенат шакллантирилди. Профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ишлай бошлади. Қонунчилик палатасида мамлакатимиздаги мавжуд тўртта сиёсий партиянинг фракциялари фаолият кўрсатаётир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади. Жумладан, мазкур Қонун сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, вакиллик ҳамда ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, улар фаолиятини назорат қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтирди.

Яна бир жиҳат — ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми сифатида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ этилди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик, жиноий ва хўжалик ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби вазифалардан озод қилинди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган бундай кенг кўламли ислоҳотлар замонавий миллий армиямизнинг вужудга келишига ҳам пойдевор бўлди. Мудофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепцияси асосида мазмун-моҳиятан янги тамойилларга кўра, Қуролли Кучларни ташкил қилиш ва ислоҳ этиш дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигига, чегараларимиз дахлсизлигига бўладиган ҳар қандай тажовузларга муносиб зарба берадиган, стратегик ва тактик вазифаларни юқори даражада ҳал этадиган, сон жиҳатдан катта бўлмаган, аммо профессионал, тезкор Қуролли Кучларни шакллантириш — ушбу дастурнинг асосий вазифалари бўлди ва бу вазифалар бугунги кунда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бугун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароларининг нафақат бурчи, шу билан бирга, у энг юксак мақомдаги мутахассисликка ҳам айланиб бормоқда. Бунинг далили сифатида кейинги пайтларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақириш танлов асосида ўтказилаётганлигини келтириб ўтиш мумкин. Армия сафларига хизматга бораётган ёшларимиз у ерда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланмасдан, ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб, қатъий ирода ва ҳаётий позицияга ҳам эга бўлишмоқда.

**Парламент ҳаёти**

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларининг тайёрланишида қонунчилик ташаббуси имкониятларидан фаоллик билан фойдаланишаётганини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги ҳамда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларининг ижросини назорат-таҳлил қилиш жараёнида қўмита аъзолари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси, Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунларнинг ижросини ўрганиш натижасида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ғоялари асосида эса «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳоказо.

Фақат булargina эмас. 2005 йилда қўмита томонидан «Аҳоли миграцияси тўғрисида»ги, 2006 йилда «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланилган ҳолда киритилди. Айни бир вақтда қонунчилик ташаббусини рўёбга чиқарган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»ги лойиҳа ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилди. (2007 йил 13 июнь, 2007 йил 29 июнь, 2007 йил 23 июль). Шунингдек, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонунни ўрганиш натижасида қўмита аъзолари иштирокида ишлаб чиқилган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Таҳлил ва қиёс учун биргина мисол: «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ бошқа қонун ҳужжатларидаги атамаларни мазкур қонунларда қўлланилган атамалар билан бир хил ҳолга келтириш мақсадида ишлаб чиқилди. У Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Табиийки, бу ишлар қўмита фаолиятидаги ўта сермеҳнат жараёнларнинг ҳосиласидир. Зеро, Қонунчилик палатаси регламентига кўра, қонунчиликнинг ўз тартиб-тамойиллари бор. Чунончи, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилишидан олдин, лойиҳа концепцияси баён қилинган изоҳнома, қонун лойиҳаси билан боғлиқ бўлган бошқа қонунларга ҳам киритиладиган ўзгартишлар, қўшимчалар ҳақида қонуности ҳужжатлари тайёрланиши, моддий харажатлар талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар келтирилиши лозим бўлади.

Аммо айтиш жоизки, парламентимиз Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари ўзларининг қарийб беш йиллик фаолияти давомида бу жараёнларнинг барча нуқталарида самарали ишлашга ҳаракат қилдилар. Мақсад-муддаоларини пировард натижага — ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга, Ўзбекистоннинг глобаллашиб бораётган жаҳонда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратдилар.

**Собир ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.**

# «АНДИЖОНМАШ»НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

***Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз тармоқлари тобора ривожланиб бормоқда.***

Президентимиз ташаббуси билан чекка ҳудудларда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилаётгани, мавжудлари техник жиҳатдан модернизация қилинаётгани, айниқса, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини кенгайтирмоқда. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари очилишига, аҳолининг бандлик даражаси юксалишига хизмат қилаётгани, қувонарлидир.

**Фармон ва ижро**

Айтиш мумкинки, Андижон вилоятида ҳам бу борада ибратли ишлар олиб борилаяпти. Вилоятда 2009 йилнинг 9 ойида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 123,1 фоизга ўсгани бунинг исботидир. Бунда "Андижонмаш" очиқ акциядорлик жамиятининг улуши салмоқли эканлигини таъкидлаш жоиз.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони, таъбир жоиз бўлса, ушбу корхона ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Яъни, банкнинг 143 минг АҚШ доллари миқдоридаги молиявий кўмаги билан ишлаб чиқариш техник ва технологик жиҳатдан бутунлай янгиланди: Россия Федерациясидан пўлат эритувчи замонавий электр печь олиб келиб, ўрнатилди. У турдошларига нисбатан электр қувватини йигирма фоизга тежаши билан бирга, сифатли ва арзон маҳсулот тайёрлаш имконини берди.



Бугунги кунда "Андижонмаш" ОАЖда Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар учун 14 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Айни чоғда жамоа аҳли ички бозорни 6 турдаги халқ истеъмоли буюмлари билан таъминлаяпти.

Эътиборлиси, корхона маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ортиб бораяпти. Масалан, 2008 йилда буюртмачиларга 3 миллиард 250 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 5 миллиард сўмликка етказилади. Бундай дейишга етарли асос бор. Чунки 2009 йилнинг 9 ойида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган режа 124 фоизга уддаланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона ҳаётидан лавҳа.

**Ҳ. ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

**Наманган томонларда**

***НАМАНГАНдаги банкрот деб топилган "Атлас" ҳиссадорлик жамияти "NBU Investment" ОАЖ томонидан киритилган 3 миллиард 302 миллион сўмлик сармоя эвазига ўз фаолиятини қайтадан йўлга қўйди.***

## «Водий ипаги»нинг миллиардлари

Корхона негизида ташкил этилган "Водий ипаги" масъулияти чекланган жамияти эндиликда йилига 560 тонна пилла ва 540 тонна пилла чиқиндиларини қайта ишлаш қувватига эга.

Эътиборли томони, собиқ "Атлас"нинг 1050 нафар тўқимачиси яна ўз иш жойига қайтди. Ўтган қисқа вақт мобайнида корхона жамоаси 1 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарди.

## Хонадонларга зилол сув

***Косонсой туманидаги Хонқўрғон қишлоғига янги қувур тортилиши билан ҳудуддаги 1500 хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилди.***

Бунинг учун 63,3 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Айтиш лозимки, вилоятда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ўтган тўққиз ой давомида жами 43,4 километр қувур тортилиб, энг чекка қишлоқлардаги 60 мингга яқин хонадонга зилол сув кириб борди. Шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 1 миллиард 441 миллион сўм сарфланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш келажак авлодни ҳимоялаш, демакдир. Шу маънода, биз табиатнинг унумдор тупроғи, зилол суви, тоза ҳавоси, ажойиб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан баҳраманд бўлар эканмиз, улардан мақсадли фойдаланиш, тиклаш, кўпайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.***

# ҲАЁТ МАНБАИ

Сув — бебаҳо неъмат. Аммо унинг захиралари битмас-туганмас эмас. Гарчи ер шарининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, чучук сув умумий сув миқдорининг 2 фоизга яқинини ташкил этади, холос. Она заминимизда ҳаётнинг боқийлиги, кўп жиҳатдан, ердаги сув манбаларини, айниқса, чучук ичимлик сувлари захираларини асраш, ифлослантирмаслик, тежаб-тергаб фойдаланишимизга боғлиқ. Афсуски, сўнгги юз йилликда инсониятнинг табиатга антропоген таъсири, яъни сув ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиши оқибатида ер юзида глобал исиш, иқлимий ўзгаришлар, сув захираларининг камайиши каби салбий ҳолатлар кузатилаяпти. Натижада бугун бу борада ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга дуч келинаяпти.



Бинобарин, экологик муаммолар ҳудуд ёки чегара билмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида "Атроф-муҳит ва тараққиёт" мавзуида бўлиб ўтган конференциясида жаҳон жамоатчилигининг эътибори сув муаммосига қаратилган эди. Жумладан, сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш, соф сақлаш ишларини йўлга қўйиш юзасидан таклифлар қабул қилинганди. Сабаби, айни вақтда ҳам ер юзидаги 6 миллиард аҳолининг 1,2 миллиарди тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,3 миллиарди эса санитария талаби даражасига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. 2025 йилга бориб эса, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқислиги муаммосини бошдан кечириши мумкин.

Табиатдан, сув ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, муҳофаза қилишни таъминлаш, аввало, уни истеъмол қилувчилар — аҳолининг сувдан фойдаланиш маданияти, савиясига ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Қўмитамизнинг жойлардаги мутасадди ходимларининг саъй-ҳаракати, аҳоли ўртасида олиб бораётган тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, баъзан сувнинг исроф қилинаётгани, ифлослантирилаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз.

Шулар ҳисобга олинган ҳолда, қўмита томонидан Ўзбекистон

**Мушоҳада**

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик суви ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги Низом" талаблари асосида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ер ости сувлари ҳосил бўладиган зоналарга муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақоми берилиб, сувни муҳофаза қилиш зонасини ва қирғоқбўйи ҳудудини белгилаш борасида ваколат доирасида табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни қайта тиклаш устидан давлат назорати ўрнатилган.

Юртимизда, маълумки, 77 та манбада ер ости чучук ичимлик суви мавжуд бўлиб, уларнинг умумий захираси 57,6 миллион кубометрни ташкил этади. Ер ости сув захираларининг 34,5 фоизи Фарғона водийсида, 24,6 фоизи Тошкент вилоятида, 18 фоизи Самарқанд вилоятида, 9 фоизи Сурхондарё вилоятида, 5,5 фоизи Қашқадарё вилоятида, 7 фоизи эса қолган вилоятларда ҳосил бўлган.

Ҳозирда 19 та ер ости чучук суви ҳосил бўладиган 407,36 минг гектар майдонга муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилган. Шунингдек, республика аҳамиятига молик 11, вилоят аҳамиятига эга 8 та ичимлик суви захира манбасини муҳофаза қилиш бўйича жойларда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ҳудудлардаги ер ости ичимлик сувларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектлари фаолияти эса назорат қилиб борилаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизнинг ер ости сувлари умумий сув ресурсларининг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодиётнинг ривожланишида, шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг хўжалик-ичимлик суви таъминоти, саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг асосий сув таъминоти манбаси ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудидаги Қашқадарё, Зарафшон, Чирчиқ, Сурхондарё, Қорадарё ва Норин дарёларида сувни муҳофаза қилиш майдони 73,12 минг гектарни, қирғоқбўйи ҳудуди эса 9,85 минг гектарни ташкил этади. Шу боис бугунгача ушбу дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақасида жойлашган 130 та экологик потенциал хавфли объект мазкур минтақалардан чиқарилди.

Умуман олганда, амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар натижасида республика бўйича экологик ҳолатнинг бирмунча яхшиланиши ва барқарорлашуви таъминланаётир.

**Муҳаммади МАМАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ер ва сув назорати бош бошқармаси бошлиғи.**

ФАХР



**Шу йилнинг август ойи охирларида Польшада шашка бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз вакиллари учта олтин медалга эгалик қилиб, мусобақани умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринда якунлашганди. Ана шу медаллардан бирини бухоролик Нигина Бозорова қўлга киритганди. У 19 ёшгача бўлган ёшлар сафида жаҳоннинг энг кучли шашкачиси сифатида эътироф этилди.**

# ШАШКАНИНГ ҲАМ ЎЗ «ТИЛИ» БОР

Албатта, Истиқлол йилларида Нигина каби ўз истеъдодини дунёга намойиш этаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу ютуқлар мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самарасидир.

— Саккиз учрашувнинг бештасини ғалаба билан якунлаб, учтасида дуранг натижага эришдим, — дейди Нигина. — Айниқса, охирги ўйин жуда қийин кечди. Чунки рақибим россиялик кучли шашкачи София Морозова эди.

Бу баҳс чиндан ҳам мураккаб бўлиб, ҳал қилувчи аҳамият касб этарди. Негаки, сўнгги тур олдидан ҳар иккала спортчи ҳам бир хил очко жамғарган, учрашув ғолиби эса жаҳон чемпионлигини қўлга киритарди. Бундай паллада, одатда, руҳий тайёргарлик кўп нарсани ҳал қилади. Нигинада қатъият, ирода, ғалабага бўлган иштиёқ кучли эди. Айнан шу жиҳатлар унга муваффақият келтирди.

Нигина бу спорт тури билан ўн ёшидан шуғуллана бошлаган эди. Отаси Аслон ака шашка бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийи Альберт Кардашов билан яқин дўст. Бозоровлар хонадонига тез-тез келиб турадиган мураббий ёш Нигинадаги истеъдодни пайқаб, у билан жиддий шуғулланишга киришди. Натижада қаҳрамонимиз ўн бир ёшида болалар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Нуфузли турнирларда қатнаша бошлади. 2003 йилда ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Осиё биринчилигида бронза медали соҳиби бўлди. 2005 йилда Украинада ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этди. 2006 йилда эса Санкт-Петербург шаҳрида ўсмирлар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринга сазовор бўлди.

***— Шоҳсупага кўтарилганимдаги ҳолатимни сўз билан ифодалаш мушкул, — дейди у. — Мамлакатимиз мадҳияси янграганида беихтиёр кўзларимдан ёш келди. Устозларим, эл-юрт ишончини оқлай олганимдан ғурур ва ифтихор туйдим.***

Шашка — жуда нозик спорт тури. Унда ҳар бир комбинацияни олдиндан пухта ўйлаш талаб этилади. Математикани яхши билишинг, рақибинг юришига қарши бир нечта вариантларни мия "захираси"да сақлашинг керак. Хотира ва ирода кучи ҳам ғалаба учун муҳим омил саналади.

— Биласизми, шашканинг ҳам ўз "тили" бор, — дейди жаҳон чемпиони. — Қаршингдаги рақибинг тилини тушунмаслигинг мумкин. Аммо унинг дона суришидан дилидагини ҳис этиб турасан, мақсадини англайсан. Мен шашка туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлдим, дўстлар орттирдим. Биз, ўзбекистонлик ёшлар салоҳият, истеъдод борасида ҳеч кимдан кам эмаслигимизга ишонч ҳосил қилдим. Ҳозирда ҳар қандай нуфузли мусобақаларда рақибларимиз бизга ҳурмат билан қарайдиган бўлишди.

Нигина жорий йилда Бухоро спорт коллежини тамомлади. Жаҳон чемпиони ҳозир "Бухоро" спорт мажмуида болаларга шашка сирларини ўргатиш баробарида, бўлғуси мусобақаларга ҳам тайёргарлик кўрмоқда. У келажакда олий ўқув юртида таҳсил олиб, етук мураббий бўлишни мақсад қилган. Нигинанинг бу чўққини ҳам забт этишига ишончимиз комил.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Андижонлик Ўткирбек Ҳайдаров мамлакатимизнинг энг иқтидорли боксчиларидан ҳисобланади. У етти ёшидан бокс билан шуғуллана бошлаган. Дастлаб Раҳим Каримов, кейинчалик тажрибали мураббий Валентин Золотарёв қўли остида машғулотларда қатнашди.**

# Ватан туйғусининг қудрати

Шундан сўнг Андижон Олимпия захиралари коллежида маҳоратини оширди. 1996-1997 йилларда Ўзбекистон чемпионатида кетма-кет икки бор шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Айниқса, 1999 йил Ўткирбек учун омадли келди. Тошкентда бўлган жаҳон чемпионати саралаш мусобақасида унга тенг келадиган рақиб топилмади.

Шу йили Хьюстон (АҚШ)да ўтказилган жаҳон чемпионатида мардлик намунасини кўрсатди. Иккинчи "жанг"да жароҳат олганлигига қарамай, бири-биридан оғир учта беллашувда рақибларидан устун келди ва Руфат Рисқиев каби 25 ёшида жаҳон чемпиони бўлди. Шуниси эътиборга моликки, орадан роппа-роса 25 йил ўтгач, Ўткирбек Ҳайдаров айнан 75 килограмм вазн тоифасида Рисқиев жасоратини такрорлади. 2002 йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтган Осиё ўйинларида ҳам барча учрашувларда муваффақият қозониб, биринчи ўринни эгаллади.

**Шижоат**

— Эришган ютуқларимнинг барчаси бирдай қадрли, — дейди Ўткирбек. — Лекин етти йил муқаддам Осиё ўйинларида қўлга киритган ғалабамнинг алоҳида ўрни бор. Биринчи мусобақада филиппинлик боксчига қарши рингга чиқдим. Иккинчи раундда рақибим кутилмаганда боши билан бурнимга зарба берди. Аммо ҳакам бу тасодифан содир этилди, деб баҳсни тўхтатмади. Оғриқ тобора кучайиб борарди. Бор имкониятимни ишга солиб, рақибимни енгдим.

Кейин билсам, бурнимнинг суяги синиб кетган экан. Мураббийларим уйга қайтишга маслаҳат беришди. Лекин рози бўлмадим. Чунки буни ўзимга эп кўрмадим. Қолаверса, турнирга келишдан олдин юртдошларимга ваъда бериб, албатта, соврин билан қайтишимни айтгандим. Кўз олдимга Ватаним, ҳамюртларимнинг ишонч билан қараб турган чеҳраси келди. Шу жиҳат менга куч бағишлагандай бўлди. Финалгача етиб бориб, шу босқичда хитойлик тажрибали боксчи, Осиё чемпионини мағлубиятга учратиб, Ўзбекистонга олтин медаль билан қайтдим.

Спорт орқали Ватанимиз довруғини оламга таратишга муносиб ҳисса қўшган Ўткирбек Ҳайдаров ҳозирда ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда. Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Ўткирбек Ҳайдаров Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" ва "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвонлари билан тақдирланган.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СПОРТНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ



**Енгил атлетика деганда, кўпчиликнинг кўз олдига, одатда, югуриш мусобақаси келади. Аслида эса спорт оламидаги нуфузли беллашув — Олимпиада ўйинларида энг кўп медаллар учун курашни айнан енгил атлетикачилар олиб борадилар.**

## Енгил атлетиканинг оғир юки

Маълумотларга қараганда, енгил атлетика бўйича илк турнир 1837 йилда Англияда ўтказилган. Унда Регби шаҳридаги коллеж ўқувчилари 2 километр масофага югуриш бўйича беллашганлар. 1896 йили Олимпиада ўйинларига асос солиниши енгил атлетиканинг ривожланишига туртки берди. Афина шаҳри мезбонлик қилган I Олимпиада ўйинларида иштирокчилар енгил атлетиканинг 12 тури бўйича куч синашганлар. Орадан роппа-роса 100 йил ўтгандан сўнг Атланта (АҚШ)да ташкил этилган XXV ёзги Олимпиада ўйинларида 2000 нафар енгил атлетикачи 44 комплект медаллар шодаси учун кураш олиб бориб, ўзига хос рекорд ўрнатишган. Бошқа бирорта спорт турида шунчалик кўп медаль учун баҳс юритилмаган.

**Моҳият**

Бугунги кунда Олимпиада ўйинлари дастурига енгил атлетиканинг 47 тури киритилган. Вақт ўтгани сайин унинг қонун-қоидалари такомиллаштирилиб борилаяпти. Шундай бўлса-да, у, илгаригидек, ўз жозибасини, томошабоплигини йўқотгани йўқ.

Қадимда греклар барча жисмоний машқларни "атлетика" деб атаган эканлар. Фақат уларни оғир ва енгил турларига бўлишган. Масалан, оғирига кураш, қўл жанги ва бошқа жисмоний машқларни киритишган. Енгилига эса, югуриш, сакраш ва ўқ отиш каби чаққонлик, уддабуронлик, тезлик ҳамда чидамлилик талаб этиладиган машқларни киритишган. Шу сабабли енгил атлетика атамаси ҳозирда бир оз ўз кучини йўқотгандек. Бу борада мутахассислар ҳам турли фикрларни илгари суришмоқда.

Бугун ҳеч ким узоқ километр масофага югуриш ёки аёлларнинг босқон улоқтириши каби мураккқаб мусобақаларни спортнинг енгил турига киритмаса керак.

## «Ҳисоб ўзгармай қолди»

**Табассум**

Ўғил отасидан сўради:

— Дада, нега австралияликлар ҳаммадан тез сузишади?

— Болам, Австралия денгизларида сувлар иссиқ ва уларда акулалар кўп бўлади.

***

**Боксчиларга бокс хавфлими, деган савол берилди.**

**10 фоиз боксчи хавфли, дея жавоб қайтаришди. Қолган 90 фоизи эса саволни тушунишмабди.**

***

— Футбол нима, менга тушунтириб беринг, — дебди ҳали бу ҳақда тасаввурга эга бўлмаган киши.

— Қисқа қилиб айтганда, унда йигирма икки киши ичмайди, чекмайди ва мунтазам спорт билан шуғулланади. Қолган минглаб одамлар эса уларни қўллаб-қувватлаш баробарида, ичади, чекади, бақиради ва ҳатто, бир-бири билан урушади ҳам, — дея таъриф берди ашаддий мухлислардан бири.

***

Уэльс терма жамоаси Россия билан ўтказилган баҳсни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Видеолавҳани такрор ва такрор томоша қилишди. Аммо ҳисоб қандай бўлса шундайлигича қолди — 1:0.

***

**Эр ишдан шошиб уйга келиб телевизорни ёқиб, футбол кўрмоқчи бўлганида, хотини сўз қотибди:**

**— Мен ҳисобни биламан. Радиодан айтишди, хоҳласангиз айтаман.**

**— Илтимос, ундай қилма. Мен ўйинни томоша қилмоқчиман.**

**— Марҳамат, кўрсангиз кўраверинг. Барибир ҳеч ким гол уролмайди.**

**Қойил...**

***Бразилиялик Паоло Арауйога битта учрашув давомида 5 марта карточка кўрсатилган. Чунки у майдондан четлаштирилганига қарамай, ўйинда давом этаверган.***

## Футбол рекордлари

Афсонавий инглиз футболчиси Гари Линикер 20 йиллик фаолияти давомида бирор марта ҳам сариқ карточка олмаган.

**Аргентина пойтахти — Буэнос-Айрес шарафини мамлакат биринчиликларида 14 та жамоа ҳимоя қилади.**



**Ўз фаолияти давомида 63 марта пенальти тепиб, шулардан 16 тасини ноаниқ бажарган Герд Мюллер (Германия) «Дунёнинг энг кўп пенальти уролмаган футболчиси» деб эълон қилинган.**

**Бир ўйинда энг кўп гол киритган футболчи австралиялик Эрши Томсондир. У 2001 йилда Америка Самоаси терма жамоаси дарвозасига 11 та гол киритган. Ўша ўйинда австралияликлар 31:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди.**

Англия терма жамоасига қарши ўтган баҳснинг учинчи дақиқасидаёқ ўз дарвозасига гол уриб қўйган парагвайлик Карлос Гамарра энг тез қайд қилинган автогол муаллифи сифатида тарихга кирди.

"ЖЧ — 2006"да Швейцария терма жамоаси ўз дарвозасидан бирорта ҳам гол ўтказиб юбормай, баҳсларни эрта тугатган жамоа сифатида тарихга кирган. Нимчорак финалда украиналиклар уларни пенальтилар сериясидагина мағлубиятга учратишга муваффақ бўлишган.

## Чемпионга эҳтиром

**Ямайкадаги йирик автомагистраллардан бири енгил атлетика бўйича уч карра Олимпиада чемпиони Усейн Болт номи билан аталадиган бўлди.**

**Абадият**

Бу ҳақда мамлакат бош вазири Брюс Голдинг маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, спортчи мамлакат довруғини ёйишга катта ҳисса қўшгани учун шундай шарафга лойиқ.

Айтиб ўтиш керак, Ямайка шимолидаги бир нечта шаҳарларни боғловчи мазкур йўлда Болт жорий йилнинг апрель ойида автоҳалокатга учраганди. Спортчи айни пайтда 100 ва 200 метрга югуриш бўйича жаҳон рекордчиси ҳисобланади.

**Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби мухлислари учун Криштиану Роналду ва Карлос Тевеснинг "қизил иблислар" сафини тарк этиши мавсумнинг энг кутилмаган воқеаси сифатида баҳоланганди. Аммо Майкл Оуэнга еттинчи рақамли футболканинг топширилиши уларнинг янада ранжишига сабаб бўлди. Чунки "Олд Траффорд"да 7 рақамли футболканинг ўзига хос тарихи бор.**




# Омадли рақам сеҳри

"Манчестер Юнайтед"дан "Реал"га трансфер қилинган Криштиану Роналдунинг рақами янги мавсумда кимга берилгани маълум бўлгани заҳоти жамоа фанатлари орасида норозилик келиб чиқди. Айтишингиз мумкин, бу, бор-йўғи, бир рақам-ку, футболга эътибор қаратишса бўлмайдими, деб. Йўқ, "Манчестер Юнайтед"да 7 афсонавий рақам ҳисобланади. Клуб ишқибозлари фаолияти давомида катта ютуқларга эришмаган, келажаги ҳам мавҳум бўлган, терма жамоага чақирилмай қўйган Оуэнга ушбу рақамнинг берилишини адолатсизлик, дейишмоқда.

Майклнинг ўзи эса тақдимот маросимида "Бу мен учун фахр", деди жилмайиб туриб. Бошқача гап айтолмасди ҳам — чунки бу рақам Манчестерда энг кучли ва маҳоратли футболчиларгагина берилади.

Таъкидлаш лозимки, "Манчестер Юнайтед"да еттинчи рақамга бу қадар ҳурмат афсонавий футболчи Жорж Бест туфайли бошланган. Ўша пайтларда майдондаги футболчиларга тўп сурадиган позицияларига қараб рақам бериларди. Марказий ҳужумчилар 9, чап қанот ҳимоячилари 3, ўнг қанот ҳужумчилари эса 7 рақамида ўйнашарди. Бест эса гоҳида чап қанотда ҳам ўйнаб тургани боис баъзида 11-рақамда ҳам пайдо бўлиб қоларди. "МЮ"нинг кейинги еттинчи рақамли машҳур аъзоси Брайан Робсон бўлган. Робсоннинг ортидан ушбу рақамдаги футболкани Эрик Кантона, Дэвид Бекхэм, Андрей Канчельский ва Криштиану Роналду кийди. Кантона даврида ушбу рақам машҳурлашган бўлса, Бекхэм ва Роналду ушбу рақамнинг "қизиллар" орасида янада довруқ қозонишига сабабчи бўлишди. Роналду "МЮ"га келганида 28-рақамда ўйнамоқчи бўлган экан, аммо Сэр Алекс Фергюссоннинг икки оғиз гапи унинг 7-ни олишига кифоя қилган: "Ўғлим, сен мана бу рақамнинг муносиб давомчиси бўласан!"

**Ажабо!**

Шу тариқа рақам "Манчестер Юнайтед"нинг ўта қадрли соврини каби бир футболчидан иккинчисига ўтаверди.

Рақамга бўлган бундай эътибор фақатгина "МЮ"да авж олган эмас. Манчестерликларнинг азалий рақиби саналган "Ливерпуль" жамоасида ҳам 7-рақамни қадрлашади. Бу жамоада 7 ни Европада икки бора "Олтин тўп"га эга чиққан Кевин Киган ва жамоа тарихида энг яхши футболчи, деб топилган Кенни Далглиш елкаларида кўтариб юришган. Тўғри, кейинчалик ушбу рақамдагиларга у қадар омад кулиб боқмаган. Жумладан, Найжел Клафнинг ишлари юришмаган бўлса, Гарри Кьюэлл ўзини кўрсата олмади. Стив Макманаман эса клубда кўп ушланиб қолмади. Охирги бор уни кийган Робби Киннинг ҳам омади чопмади.

Ҳар не бўлганда ҳам, футболчининг рақами унинг яхши ўйнаши учун сабаб деб ирим қилиш унчалик тўғри эмас. Балки акси, яъни бу унга юк бўлиши ҳам мумкин. Масалан "Ливерпуль"нинг собиқ ҳужумчиси Владимир Шмицер жамоада тўп сурган даврида 7 ни 11 га алмаштирганида бениҳоя шод бўлганлигини айтиб ўтган.

Шу ўринда ўзбек футболига доир рақамларга ҳам тўхталсак. Диёримизда бир вақтлари Миржалол Қосимовга тегишли бўлган 4-рақамга етадигани йўқ эди. Аммо у бир оз унут бўлди. Ҳозир "Пахтакор" ишқибози 25-рақамли (Одил Аҳмедов) футболкани кийиб юришни фахр деб билади. 29 (Зайниддин Тожиев), 7 (Дарко Маркович) рақамлар ҳам оммабоп. "Бунёдкор" ишқибози 10-рақамни (Ривалдо) эгнига илган, 30 (Сервер Жепаров) ҳам анчайин машҳур. Бу ҳаммаси ўша жамоаларда тўп сураётган етакчилар туфайлидир. Миллий терма жамоанинг 16 (Максим Шацких) ёки 9 (Одил Аҳмедов) рақамли футболкаларига ҳам эътибор, талаб катта. Лекин жаҳонда ўта қадрли 7 рақами бизда у қадар эъзозли эмас.

Яна бир гап, ўзбек футболида рақамлар аҳамиятсиз бўлса ҳам майли. Футболчиларимиз елкаларига хоҳ 99, хоҳ 33 ни осиб олишсин, аммо чиройли ўйин ва натижа кўрсатишса, бас.

**Бобур АКМАЛОВ.**

*Газетамизнинг навбатдаги сони 10 ноябрь, сешанба куни чиқади.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 00.40 1 2 4 5